


# БОЙЧЕЧАКНИ СОҒИНГАН БОБО



Марғилонда Ҳабибулло Зоҳид деган «афғончи» йигит бор. «Қизил империя»нинг мудҳиш хунрезликлари туфайли у ҳам 80-йилларда уруш тегирмонига тушиб... икки оёғидан айрилиб қайтган. Лекин тўрт мучаси соғ айримлардан кўра, бугун кўпроқ савоб ишларга бош-қош бўлаётганлардан бири шу Ҳабибулло десам, ишонаверинг.

Яқинда айтиб қолди: «105 ёшга кириб ҳам ҳали «қаримаган» бир оқсоқолни зиёрат қилсак?» Фарғона водийсининг Фарғона туманида Миндон деган қишлоқ борлигини кўп эшитгандим. Бу тоғли гўшада бунчалар ғаройиб табиатли инсонлар яшашини кўриб янада ҳайратда қолдим.

Ўша куни энди оқшом чўкаётганда Муҳаммаджон ота Зикриёевнинг ҳовлисига кириб бордик. Ҳабибулло ҳожи остонадан ўтганидаёқ, унинг овозини таниган отахон секин қўзғалдилар. Кенжа ўғли Аҳрорбек хижолат оҳангида ёзғирди: «Озгина шабадалаб қолувдилар. Дўхтир чақирсак койийдилар. Юз йилдан бери бирон дори ичмаган, нина санчилмаган танамга озор етказманглар, деб. Шунга ётувдилар».

Отахон билан қучоқлашиб кўришдик. Бир пайт... ташқарида ғала-ғовур овозлар келди. Сўнг болакайларнинг:

***Бойчечагим бойланди,***
***Қозон тўла айронди.***
***Айронингдан бермасанг...***

деган жўровозли қўшиғи янграли. Мен ҳожига қарадим. У кулди. Отахон бўлса ўртанча ўғли Олимжон акага имо қилди: «Ма, шу тугунчани очиб, ул-бул нарса улаш. Уч-тўрт сўм ҳам беринглар. Кейин кўр-чи, қўлларида бойчечаклари борми?»

Барибир ҳайратимни яширолмадим. Аҳрорбекдан сўрадим: «Ҳали ҳаммаёқда қор-ку, ахир? Отангиз бўлса бойчечак сўраяптилар?» У кулимсираб секин дераза пардасини кўтарди-да, қўлимга сув тўла пиёлага солиб қўйилган бойчечакларни тутқазди. Ва изоҳ берди: «Биз тарафларда қор кўп ёғади. Аммо ўнгирларда салгина эриш бошланса, бойчечаклар очилади. Кечаям ўғилларим Абдихалил билан Абдувоситлар бойчечак териб келишди. Ҳар куни сўрайдилар. Нега дейсизми? Аввал юз-кўзларига суртадилар. Сўнг «Эй бор Худоё, шу кунларга етказганингга шукур. Бойчечакни кўрдим, энди яна яхши кунлар бошланади» дея дуо қиладилар.

Муҳаммаджон ота сўраб қолдилар.:

— Тошканда яшайсизми, болам?

Бош силкийман.

— Мен у ёққа 22 марта бориб келганман. Акмал неварам айтади, опоқ, энди адашиб кетасиз. Жуда ўзгариб кетган. Шу гаплари ростми унинг?»

«Рост ота, сиз кўрган пойтахт, айниқса олти йил ичида бутунлай қайтадан бунёд бўлди» дея изоҳ бераман ва катта шаҳардаги оламшумул ўзгаришлар ҳақида гапирдим. Отахон эса бошларини сарак-сарак қилиб «Оллоҳга шукур» деб дуо қилиб ўтирдилар.

Асли математика фани муаллими, ҳозир нафақада бўлган Олимжон акадан сўрадим: «Отангизнинг паспортларида нечанчи йили туғилганлари ёзилганми?» «Менимча шўролар замонида берилган, шекилли. Аниқ ёшлари ҳозир 100 да. 1888 йили туғилганлар. Лекин ўзларининг ҳисоблари бўйича 105. «Нега энди?». «Ўзларидан сўранг...»

**БОБОНИНГ ҲИКОЯСИ:**

— Мен мактаб кўрмаганман, ўғлим. Саводим йўқ. Аммо шуни биламанки, ҳар ўттиз йилга бир ёш қўшилади. Менда сал кам уч ярим ёш «қўшимча» бор. Бир юзу уч яримми, энди она қорнидагиниям ҳисобланг. Бу йил насиб этса, юз бешинчи баҳорни кутаяпман.

Ҳар куни келмаса 20-30 чоғли одам кўргани келади. Гоҳо толиқиб қоламан. Бу болаларни сўраманг. Э, ҳеч ҳисоби йўқ. Гоҳо 50-60 га кирганлар ёки бўй йигитлар «опоқ, бизга нима берасиз?» деб сўрайди. Шунда «мендан эмас, болаларим Худодан, Яратгандан сўранглар, мендан дуо оласизлар, Тангридан эса ризқ-рўз», дейман.

Умримнинг ярми тоғда ўтди. Бозорларни кўп кўрдим. Фарғонада дўкон очтириб, гўшт сотдим ҳам. Лекин қирқ йил гўшт сотиб, бозорга аралашиб, қирқ пайса ўғирлик қилмадим. Уч-тўрт йил аввалги воқеани айтиб берай. Фарғона шаҳар бозорига ҳоким келди. Одамлар опоқ, сиз бизнинг дардимизни айтинг, ҳозирги кўп қассоблар қаллоб бўп кетди, фақат алдайди, дейишди. Охири ҳокимга очиқ гапни айтдим. Ўғлим, шу бозорда 84 нафар қассоб бор экан. Илтимос, шуларни бир тарозисини текширтир, улус норози бўлаяпти, дедим. Орадан икки-уч кун ўтиб... эшитдим: қатор тарозиларга 200 грамм «ўғри» тош ёпиштирилган экан. Ҳозирам болаларим, невараларимга тайинлайман, аввал қассобнинг тарозисини кўринглар, кейин гўштини. Икки ойдан ошди бозорга бормай қўйдим...

Отангиз толиқиб қолдиёв, деган маънода Олимжон акага қарадим. У киши бўлса бош силкиди: «Қайда, эртадан кечгача одам аримайди. Яна фақат ўзлари сўзлайдилар». Отахон ёнига 6 ёшли невараси Абдувоситни чорлади: «Чой-пойга қараб турибсизми?»

Аҳрорбек бўлса бизга ўғлини ишора қилиб, кулиб-кулиб шундай деди: «Дадамнинг ғалати феъли бор-да. Кейинги пайтда бизларнинг олдимизда овқат емайдилар. Чиқиб кетганимиздан кейин шу невараларини чақирадилар. «Дадангизлар кетишдими, энди овқат еймиз» дер эканлар. Билмадим, ҳозир ёш болаларга жуда ўрганиб қолдилар. Кун бўйи ўтиришсаям қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб берарканлар. Бизлар билан эса жиддий сўзлашадилар. Гоҳо койиб ҳам қўядилар».

Яна бобони суҳбатга чорладим.

**— Отахон, кўплар узоқ умр кўришнинг бирон сири бормикан? — деб ўйлайди. Сиз бунга нима дейсиз?**

— Аввало Худога шукур қилиш керак. Боя айтдим, ярим умрим далада, тоғда ўтди. Лекин ҳали шу кунгача бировнинг дилини оғритмадим. Юз йил яшаб оғримаган бошим кечагина сал шамоллаб қолиб оғриди. Асабни асраш керак, асабни. Шунча йил яшаб, гина-кудурат сақламадим. Суханим тоза бўлди. «Сиз» оғзим «Сен» га бормади.

**— Қандай овқатлар истеъмол қиласиз?**

— Фақат қўй гўшти, қўй ёғида тайёрланганларини. Гоҳо чала куйдирилган жиззани. Лекин танлаб ейман. Тўғри келганини еёлмайман. Умримда ичмаганман, чекмаганман. Ноннинг садағаси кетай, аммо унияи кам истеъмол қиламан. Мева-чевани канда қилмайман. Кўп яшашнинг сири одамзотнинг ўзига боғлиқ. Дўхтирлардан танишим оз, чунки ҳеч ишим тушмаган. Ният қиламан, тушмасин ҳам...

**— Фарзандларингиз қанча?**

— Саккиз нафар эди...

Ота «уҳ» тортдилар. Олимжон ака изоҳ берди: «Раҳматлик Комилжон акам 59 ёшида тўсатдан қазо қилди. Отам жуда қаттиқ изтироб чекди. 5 ўғил, уч қизмиз. Онамиз Нодирабиби ая 81 ёшларида дунёдан ўтдилар. Энг каттамиз Қорасоч опам — 77 ёшда»

**— Неваралар қанча, ота?**

— Ҳаммасини ҳовлига йиғиб санаш керак. Олтмишдан ошади-я, — дея кенжа ўғлига юзланди. Аҳрорбек бош қимирлатди.

— Чеваралар ўттизга етганмиш, эвараларим ҳам ўн бешдан ошибди.

**— Эварадан кейин нима бўлади?**

— Дувара дейдими ё бегонами, билмадим. Уч нафар эмиш...

Яна Ҳабибулло ҳожи отахонни қўзғади: «Опоқ, Ҳазрати Хизр бувани кўрганингизни айтинг...»

**БОБОНИНГ ҲИКОЯСИ:**

— Сизларга ёлғон-чўпчак бўлиб туюлади бу. Лекин менга чин. 41 ёшдайдим ўшанда. Биринчи ўғлим — раҳматлик Комилжоним туғилган. Бошим осмонда. Бешик тўйи ўтказиш учун тоққа ўтин тергани кетдим. Бир аравакаш ҳам топдим. Тоғда қаттиқ шамол. Зўрға юрамиз. Ёрқўтон деган жойга бордик. Аравакаш ярим йўлда қолди. Кутилмаганда бир чол тўхтатди. «Йўл бўлсин, ўғлим» деди. Қўрқиб кетдим. Чунки бу тарафларга ҳеч ким келмасди-да. Оппоқ соқолли, истараси иссиқ чол отдан тушиб, менинг арава қўшилган отимга ўтирди. Менам жим кетавердим. Юқорида яна Шўран деган дара бор. Ўтин мўл бўларди у тарафда. Уч жойга уюм-уюм қилиб ўтин йиғдим. Кейин аравага босмоқчи бўлувдим, ҳалиги чол ўзи оёқяланг бўлса-да, ўтинларни тиканларига қарамай аравага жойлайверди. Шамол эса учирай дейди. Охири йўлга тушдим. Чол қўлини дуога очганини биламан... кейин кўзимнинг олдида ғойиб бўлди. Орадан йиллар ўтди. Яна ўғиллар кўрдим. Энди эсласам, ўша нуроний чеҳрали отахон Ҳазрати Хизр экан...

Муҳаммаджон ота бир лаҳза жим қолди. Уйга сокинлик чўкди. Хўжа Ҳофиздан, Шоҳ Машрабдан байтлар хиргойи қилдилар. Олимжон ака «ҳа, дадамизнинг руҳлари тетик, кайфиятлари кўтарилса, ўз билганича шундай байтлар айтиб қоладилар», деб қўйди.

...Тун ярим бўлди. Ҳожини туртдим. «Бобой чарчаб қоладилар, қайтайлик». У бўлса ҳазил аралаш « э, нима деяпсиз, опоқ зерикиб қолганлар. Қанча гурунглашсак, шунча тетиклашадилар», деди. Охири ўғилларига айтдик. Аҳрорбек шивирлади: «Меҳмонлар қайтамиз, дейишяпти. Бир дуо беринг, энди». Отахон кулимсираб «Тошкангами, кеч бўп қолди-ку?» деб ҳазиллашди-да, икки қўлларини очиб дуо ўқидилар: **«Илоё, юрт омон бўлсин. Буғдойлар мўл, эл-улус ризқли, насибали бўлсин. Ҳаммангизни Худойим ўз паноҳида асрасин. Келаётган Наврўз — Йилбоши билан барчани табриклаб қўйинг...»**

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**«Халқ сўзи» махсус мухбири.**


Қадрли қизларимиз ва аёлларимиз!

Уяли алоқалар

BUZTEL GSM компанияси

Сизларни

8 Март - хотин-қизлар куни

билан табриклайди!

Сизларга катта бахт ва севги тилаймиз!

Диққат! 2-7 март кунлари сизлар учун

БАЙРАМ ЧЕГИРМАЛАРИ!

Ҳурматли аёллар, агарда Сиз 1998 йил 7 март куни бизнинг мижозимиз бўлсангиз, сизни бешта АЖОЙИБ СОВҒА кутади!





Адрес: 700000, Тошкент ш.,
"Ўзбекистон овози" кўч., 2,
"Ле Меридиан Тошкент"
меҳмонхонаси.
Телефонлар: (3712)
132 06 49, 132 06 48,
105 04 54, 105 04 64,
105 04 77, 105 04 66.

Бакри
Ўзбекистон
Телеком

Ҳамиша Сиз билан!

BUZTEL GSM BUZTEL GSM BUZTEL GSM



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Жалил.
Навбатчи — М. Йўлдошева.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди:* 02.30. 1 2 3 4 5 6